

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.10900224>

## ДИЗАЙНДА ЁРУҒЛИК ВА РАНГЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Насритдинов Алишер**

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти,  
“Чизматасвир” кафедраси ўқитувчиси

*Аннотация:* Мақолада муҳит дизайнини ташкил этишида ёруғлик ва рангларнинг аҳамияти боради.

*Калит сўзлар:* ранг, ёруғлик, атроф-муҳит, дизайн, оптик иллюзия.

*Аннотация:* В статье рассматривается важности света и цветов в организации дизайна окружающей среды.

*Ключевые слова:* цвет, свет, окружающая среда, дизайн, оптическая иллюзия

Ранглар дунёсининг сир-синоати, уларга яширинган турли рамзлар ва руҳий оламга боғлиқлик аломатлари ҳар доим инсонларни қизиқтириб келган. Ранглар билан боғлиқ тажриба ва илмий изланишлар олиб бораётган мутахассислар эса рангларнинг сеҳрли олами ҳақидаги маълумотлари билан барчанинг эътибори ва қизиқишини тортганлар.

Рангсиз кўриб турган дунёни тушуниб бўлмайдди. Инсонга ҳар доим ранг таъсир этиб туради, унинг жисмоний ва руҳий ҳолатига таъсир кўрсатиб туради. Ранглар ҳақида тушунчага эга бўла туриб, қандайдир ҳис-ҳаяжонларни чақирувчи аниқ ҳиссиётлар, образлар шакллантириш мумкин бўлади.

Атроф-муҳитга эътибор билан назар ташласак, унинг ичида турли ранглар гаммасини кўриш мумкин. Ранглар фақатгина унинг ички қисмининг бадиий сифатини оширибгина қолмасдан, инсон ҳаёти ва фаолияти, соғлиги ва кайфияти учун қулай шароитлар яратишга ёрдам беради.

Ранглар илиқ ва совуқларга бўлинади. Илиқ: сариқ, сабза (оранж), қизил, ва унинг туслари, шунингдек қаймоқли, шафтоли, кофе, пушти-сариқ, яшил (бирок сариқ ранглари мавжуд, лекин кўк туслар эмас). деразалари қуёш томонга қаратилмаган хоналар илиқ рангларга бўялади, улар анча ёруғ туюлади.

Совуқ ранглар: кўк, хаворанг настаринранг, кўк туслари устун бўлган сиёхранг, оч-кулранг, кумушранг. Улар асосан қуёшдан жуда ҳам қизийдиган ва ёритилган хоналарга тўғри келади.

Маълумки, қуёш инсонга қандай хуш ёқимли таъсир ўтказади, қуёш нури етишмаслиги эса уни толиктириди. Интерьерда ранг танлаганда хоналарнинг ёритилишини инобатга олиш зарур, чунки деразалар жанубга қаратилса ҳам улардаги хона деразаларнинг кичкиналигидан қоронғи бўлиши ёки уларнинг деразалари қўшни уйларга жуда яқин жойлашган, ёки дарахтлардан тўсилиши мумкин. Бундай ҳолларда хона қанча қоронғи бўлса, деворлари шунча очроқ бўлиши зарур.

Ранг хусусиятларини билиш ва уларни тўғри қўллаш, ноқулай хоналарни маълум тарзда таасуротини яхшилаш - шифтани "кўтариш" ёки "тушириш", деворларни "кенгайтириш" ёки "торайтириш" имкониятлари мавжуд. Бу ўзгаришлар рангнинг тусини, нақшини, фактурасини, безатиш ашёларини қўллаш ва сунъий ёритилиш ёрдамида эришилади, ва оптик иллюзия деб аталади.



**1.1.расм.** *Оптик иллюзиянинг бино интерьеридаги кўриниши. Асосий кулрангдан фойдаланилган.*

**Оптик иллюзия** - буюмнинг кўринмас сифатлари ҳақиқатга мувофиқ бўлмаган ходиса. Масалан:

- Бир тусга текис бўялган хона катта ва кенг туюлади. Унда барча нисбатлар ёрқин ифодаланган;
- Рангли вертикал чизиқлар хонани баланд кўрсатади;
- Горизонтал чизиқлар хонани пастроқ таасуротини ҳосил қилади;
- Ёрқин жимжимадорлик хонани кичрайтиради ва бетартиб, безовталилик ҳиссини келтиради;



**1.2.расм.** Ёрқин жимжимадорлик ёрдамида хонанинг кичрайиб ва бетартиб кўриниши.



**1.3.расм.** “Халқаро форумлар уйи” интеръери. Тошкент. Сарой.

- **Қизил ранг** тўлқинлантирувчи, инсонни ҳаяжонга солувчи ўта фаол ранг ҳисобланиб, руҳиятга кескин таъсир кўрсатади. Бунда нафас олиш ва юрак уриши ҳам ўзгаради. Қисқа вақт ичидаги қизил рангнинг таъсирида инсон меҳнатга лаёқатини оширади. Узоқ вақт ранг таъсирида эса толиқишга ва меҳнатга лаёқатсизликни пасайтиради.

- **Оловранг** қувноқ ва хурсандчилик кайфиятини, илиқлик хиссиётини, ҳаракатга интилишни келтиради, фаоллаштиради, гоҳида тўқнашиш шароитида иш қобилиятига ижобий таъсир кўрсатади.

- **Ёрқин-оловранг** болаларга яхши таъсир этувчи ранг ҳисобланиб, уланинг кайфиятини кўтаради, жисмоний вазифаларни яхшилайти.

- **Сарик ранг** куёш ёруғлиги таасуротини келтиради, тетиклаштиради, фаоллаштиради, яхши кайфиятни яратишга омил бўлади таъминлайди, гоҳида тўқнашишда иш қобилиятига ижобий таъсир кўрсатади.

- **Яшил ранг** — нейтрал ранг ҳисобланиб, юмшоқ ва тинчлантирувчидир. Ушбу рангнинг доимий таъсирида одамни толиқтирмайди, жуда кучли бўлмасда, иш қобилиятига турғун кўтаринкиликни келтиради.

- **Ҳаво ранг** сушт рангларга киради, нозиклик ва хаёлпарастликка ундайди, фаолликни ва ҳиссий зўриқишни пасайтиради, ҳаётий жараёнларни секинлаштиради холсизлантиради, салқинлик ҳиссини келтиради.

- **Кўк ранг** — совуқ, тинч, сушт ранг ҳисобланади, унинг таъсирида ҳаётий жараён фаоллиги сусаяди, нафас олиш ва юрак уриш бир маромга келади. Меҳнатга лаёқатлилик камаяди. Ушбу ранг таъсирида яратувчанликка ва фикрлашга интилиш қобилияти пайдо бўлади.

- **Кўкиш-яшил ранг** бир маромда ушлаб турувчи, тинчлантирувчи ранг ҳисобланади.

- **Сиёхранг** сушт ранглар сирасига киради. Унинг таъсири ҳаётий жараёнларнинг сусайишига ва кучсизланишига олиб келади, фаолликни пасайтиради, яширин ҳаяжонланиш каби баъзи бир хавотирланишни ҳис қилишнинг пайдо бўлишига ва эзилганлик ҳиссини пайдо бўлишига олиб келади. Ҳаттоки қисқа вақт ичидаги сиёхрангнинг таъсири меҳнатга лаёқатлиликни камайтиради.

- **Жигарранг** — босиқ, хотиржам, илиқлик ҳиссини уйғотади, сокинлик ва юмшоқ кайфиятни пайдо бўлишига олиб келади.

- **Қора ранг** — қайғули, оғир ранг ҳисобланади. Қоронғулик, кечкурун билан ўзаро боғлиқдек, гўё. Инсонни эзилтиради, кескин кайфиятни туширади, ишга лаёқатликни камайтиради.

- **Кул ранг** — маъюс, холсизликни, зерикиш каби туйғуларни уйғотади. Тўқ-кул ранг эса бутунлай хис-туйғуларни эзилтиради. Бироқ, интерьерда бу рангнинг ўрни ниҳоятда беқиёсдир, айниқса катта ёшдагилар учун бу ранг айти муддао.

- **Оқ ранг** — совуқ, сокин ранг ҳисобланади. Байрамоналик ва тантанаворлик кайфиятини яратади, шунинг билан бирга камтарлик ва оғир-босиқликни ҳам келтиради. Интерьер борасида айрим мутахассислар ушбу рангдан кенг фойдаланадилар. Ҳақиқатан ҳам, оқ рангли деворлар – бу исталган рангдаги мебел учун, гиламлар, матолар ва бошқа безакли элементлар учун ажойиб заминдир. Оқ рангдаги заминли хоналар – ёруғ, шинам ва шунинг билан бирга тантанавордир, лекин инсонлар хилма хилликни ёқтирадилар ҳамда кўпгина омилларни ҳисобга олганда интерьердаги ранг ечимини танлашда энг турли ранглар мувофиқлигидан фойдаланадилар.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Алиева З. Предметный и интерьерный дизайн Узбекистана. //Ж.San'at. – Т.: “Санъат” нашриёти., 2015.
2. Акилова К. Теория, практика и перспективы развития дизайна. // San'at. – Т.: “Санъат” нашриёти., 2015.
3. Махмудова М.Т. Концепции архитектурного дизайна в творчестве известных архитекторов деконструктивизма Ф.Гери и З.Хадид. //Проблемы архитектуры и строительства. – Самарканд. 2014, №03.
4. Наталья Тимашева. //Интерьер+дизайн. Россия.2016.
5. Юсупова Н. Рангларга яширинган сирлар.-Т.:«DAVR PRESS».
6. Умаров Б.М. Психология. Т.: Ворис нашриёт, 2012.
7. Mamatov U.N. STUDY OF THREE PORTRAITS OF THE GREAT POET OF THE MIDDLE AGES, ALISHER NAVOI. — USE: Oscar Publishing Services, 2023. — ISSN – 2771-2141. — P. 15-20
8. Kasimov K.S. THE POSITION OF THE ARTIST IN MODERN SOCIETY. — USE: Oscar Publishing Services, 2023. — ISSN – 2771-2141. - P. 10-13
9. Allabergenov S.A. The Significance of Colors as an Emotional Factor in the Art of Painting. — USE: AMERICAN Journal of Public Diplomacy and International Studies, 2023. — ISSN (E): 2993-2157 — P. 148-150
10. Mahmudov B.T. Perception of Miniature Works through an Artistic Image. — USE: IJNRAS, 2023. — ISSN: 2751-756X. - P. 179-182
11. Mahmudov B.T. THE ARTIST'S PSYCHOLOGICAL PERCEPTION OF COLORS, Innovation and Integrity, 2023. — ISSN: 2792-8268.
12. Umirzakov R.R. IMAGINATION ALLOWS A PERSON TO REALIZE MANY PROJECTS. — European Journal of Innovation in Nonformal Education, 2023. — ISSN - 2795-8612 - P. 158-161
13. Xo'janiyozov R.Q. O'ZBEKISTON TASVIRIY SAN'ATIDA O'ROL TANSIQBOYEV IJODI VA FAOLIYATI. – RESEARCH AND EDUCATION, 2023. – ISSN: 2181-3191 – B. 78-79
14. Vokhidova G.I. Cubism in Fine Arts – Innovation and Integrity, 2023. – ISSN: 2792-8268 – P. 39-40
15. Королькова Е.Ф. ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ОБРАЗОВАНИИ, СОВРЕМЕННЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ДЕКОРАТИВНО-ПРИКЛАДНОГО ИСКУССТВА, – RESEARCH AND EDUCATION, 2023.- ISSN: 2181-3191 –P.107-111

- 16.Маматов Х.Н. ПОРТРЕТЫ ПОЭТЕССЫ МАХЛАР-АЙИМ НОДИРАБЕГИМ (1792-1842
- 17.ГГ.), СОЗДАНИЕ УЗБЕКСКИМИ ХУДОЖНИКАМИ XX ТОГО ВЕКА, – RESEARCH AND EDUCATION, 2023. -ISSN: 2181-3191 –P. 254-259
18. Erkabayeva F.A YANGI O‘ZBEKISTON MAHOBATLI RANGTASVIR SAN’ATINING
- 19.BUGUNGI KUNDAGI TARAQQIYOT YO‘LI, – RESEARCH AND EDUCATION, 2023. -ISSN: 2181-3191 –B. 96-100
- 20.Хо‘janiyozov R.Q. FINI LINES UZBEKISTON PAINTING ART – Art and design Socil Science, 2022. –ISSN: 2181-2918 – B. 8-11
- 21.Erkabayeva F.A RAHIM AHMEDOVNING IJODIY YO‘LI VA INSON PARVARLIK G‘OYALARI, –So‘z san’ati, 2022.- ISSN: 2181-9297 –B. 64-68
- 22.Erkabayeva F.A YANGI O‘ZBEKISTON MAHOBATLI RANGTASVIR SAN’ATINING
- 23.BUGUNGI KUNDAGI TARAQQIYOT YO‘LI, –So‘z san’ati, 2023.- ISSN: 2181-3191 –B. 96-100